

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Таълим тизимида  
ижтимоий-гуманитар фанлар**

Илмий-методологик ва илмий-услубий  
журнал. 2002 йилда ташкил топган

Йилига 4 марта  
чоп этилади

**№2 2012**

**Социально-гуманитарные  
науки в системе образования**

Научно – методологический и научно –  
методический журнал. Основан в 2002 году

Издается  
4 раза в год

**№2 2012**

**Social sciences and the  
Humanities in the system of education**

**№2 2012**

Scientific, methodological and methodical  
Journal. Established in 2002

published quarterly

Тошкент – 2012

- Умаров Б., Касимова З. Ёшларда тадбиркорлик тафаккурини шакллантиришда иқтисодий билимларнинг роли. 168
- Қодиров А., Исмоилов Ж.Г. Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш. 170
- Мирзаев С. Ўзбекистонда нефть-газ тармоғига чет эл инвестицияларини жалб этиш. 173

### МУРАББИЙ ВА ТАЛАБА

- Булатов С., Пўлатова П. Устоз - шогирд одобининг ҳуқуқий асослари. 176
- Усмоинова М., Набиев Ғ. “Устоз-шогирд” анъанаси – шахсни иқтисодий муносабатларни ташкил этишга тайёрлашнинг тарихий шакли. 179
- Олимов Ш. Устоз-шогирд муносабатларининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари. 183
- Ревес И.Г. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида педагогик инновацияларни қўллашнинг имконияти ва ўзига хослиги харитаси. 185
- Ўринова М.С. Ўқувчининг билиш фаолияти - интеллектнинг шаклланиш мезони. 190
- Қаюмова Н.А. Касбий таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш давр талаби. 192
- Тайжанова Н.С. Ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш масалалари. 194
- Шарипова С.Б., Исамова П. Ш. Талаба ёшларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда умуммаданий контекст. 196
- Тилибова Н., Ғоипназаров Ш.Р. Махсус фанларни ўқитишда фанлараро боғланиш. 199
- Маҳкамova М. Касбий таълим йўналиши талабаларида ахборот маданиятини шакллантириш. 201
- Эрматова М. Болаларда ақлий тафаккурни шакллантириш методикаси. 204
- Абдусаматова Н. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеграциялашган таълим жараёнида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг амалий имкониятлари. 206
- Исмоилова Х. Педагогика коллежи ўқувчиларининг технологик ёндашув асосида иқтисодий маданиятини шакллантириш. 209
- Туляганова Ш.Э. Тасвирий санъат дарсларида педагогик технология. 212

### ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

- Маҳкамov У. Миллий ғоя тарғиботининг педагогик асослари. 214
- Тилибова Н. Таълим оловчиларда ахборот маданиятини шакллантиришнинг - дидактик асослари. 215

3. Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009.
4. Джонс Э. Деловые финансы. Пер с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 1998.

Мирзаев С., ТошДТУ

### Ўзбекистонда нефть-газ тармоғига чет эл инвестицияларини жалб этиш

В статье рассматриваются вопросы привлечения зарубежных инвестиций в нефтегазовую отрасль Узбекистана.

\*\*\*

In clause there is considered about the adoption of foreign investment in oil and gas branches of Uzbekistan

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимиз тараққиётининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жаҳаларида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Янги имкониятларнинг асосий манбаи – жамият ҳаётидаги демографик ва иқтисодий туб бурилишлар бўлиб, булар ўз навбатида турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларга олиб келади. Жумладан, нефтьгаз соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоқлари қаторига киради. Бинобарин, мазкур секторни самарали ривожланишини таъминлаш, мамлакатни бутун иқтисодий комплекси учун муҳим вазифа саналади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, хорижий шериклар билан фаол мулоқот ўрнатиш, чет эл сармоясини, илғор технологияни мумкин қадар кўпроқ жалб этиш асосида жаҳон бозорига чиқиш ва пировард натижада республикамиз, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, биз биргаликда ҳамкорлик қилишга чет элликларни қизиқтира олиш маҳоратини эгаллашимиз, уларнинг сармоясини келтиришига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ушбу масалада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 11-апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони, ҳамда 2012 йил 10-апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонини қабул қилиниши яққол мисол бўла олади.

Республика раҳбарияти нефть ва газ саноатини жадал ривожлантириш мақсадида чет эллик ҳамкорлар ва сармоядорлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида кўп томонлама музокаралар олиб бормоқда. Бинобарин, халқаро экспертлар бугунги кунда собиқ иттифок худудидаги бошқа республикаларга нисбатан Ўзбекистонда чет эл сармояларини жалб этиш учун энг қулай ҳуқуқий асослар яратилганлигини эътироф этишмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2008 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги

хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди. Ўзбекистон табиий газ қазиб чиқариш бўйича МДХ давлатлари орасида Россия Федерациясидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди ва жаҳоннинг ўнта газ қазиб чиқарувчи йирик мамлакатлари қаторига киради, нефть қазиб олишни йиллик ҳажми эса 5 млн.т. га яқинни ташкил этади. Мамлакатда нефть ва газни қайта ишлаганда олинadиган маҳсулотлар кенг йўлга қўйилган бўлиб, сифат даражаси жиҳатидан жаҳон талабларига жавоб беради. Республикада ҳар йили 70 млрд м<sup>3</sup> табиий газ қазиб чиқарилиб, унинг бир қисми экспорт қилинади. Мамлакатни нефтьгаз қазиб чиқарувчи беш йирик районларидан бири бўлган фақат Устюрт регионини ўзида газ бўйича истиқболли имкониятлари қарийиб 2 трлн м<sup>3</sup>, нефть ва газ конденсати – суяқ углеводородлар захираси бўйича эса 900 млн.т.га баҳоланади. Узок муддатли истиқболда (25 йил) Устюртда газ захираларини ортиб бориши 1трлн м<sup>3</sup> дан ортиқ ҳажмда бўлиши кутилмоқда, бу эса республикада олдиндан кутилаётган умумий газ захираларини ортиб боришини ҳажмини 60 фоизини ташкил этади. Бугунги кунда Россия компанияларининг фақатгина Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуасига киритган инвестицияси 2,5 миллиард долларни ташкил этади. Хусусан, “Газпром” ва ЛУКОЙЛ Ўзбекистон билан истиқболли газ структураларини ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришган. ЛУКОЙЛ 330 млрд м<sup>3</sup> табиий газ захирасига эга, нархи 1 миллиард доллардан кўпроқ бўлган “Шоди-Кандим-Ҳавзак” лойиҳасида фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, “Газпром” 2006 йилнинг январида “Ўзбекнефтгаз” билан Устюрт худудининг етти инвестицион блокнинг геологик тадқиқоти ҳамда мамлакат гарбидаги бир қанча конларнинг маҳсулотларини тақсимлаш принципларини белгилаб берувчи иккита шартнома имзолаган. 2007-2011 йилларда “Газпром” томонидан геология-тадқиқот ишлари ва конларни ишга тушириш учун 610 миллион доллардан кўпроқ маблағ сарфланди. Айни пайтда Россия концерни “Шохпахта” конини ишга тушириш олди лойиҳасида фаолият юритмоқда. Стратегик ҳамкорлик ҳақидаги шартномага кўра “Ўзбекнефтгаз” МХК ва “Газпром” ўртасида Ўзбекистондан Россияга 2004 йилда 7 млрд м<sup>3</sup>, 2005 йилда 8,15 млрд м<sup>3</sup>, 2006 йилда 10 млрд м<sup>3</sup> атрофида газ экспорт қилинди.

Айниқса, бешта компания – «Ўзбекнефтгаз», ЛУКОЙЛ, CNPC (Хитой), KNOС (Жанубий Корея) ва Petronas (Малайзия) иштирокидаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги конларнинг геологик тадқиқот ишларига тайёргарлик кўриш ҳамда ишга тушириш бўйича халқаро консорциумнинг фаолиятини алоҳида қайд этиш жоиз. Айни вақтда Жанубий Африка Республикасининг "Sasol Limited Group", "Ўзбекнефтегаз" МХК, Малайзиянинг "Petronas International Corporation" билан биргаликда Қашқадарё вилоятида қиймати 2,5 млрд. бўлган синтетик суяқ ёқилғини ишлаб чиқарувчи заводни куриш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Россиянинг “Лукойл” нефть Ўзбекистонни нефтьгаз комплексига учта лойиҳа бўйича киритган тўғридан-тўғри инвестициялари \$2 млрд доллардан ошган, жами бўлиб эса бу компания иштирокидаги лойиҳаларни ўзлаштиришга \$5 млрд доллардан

ортиқ сармоя жалб этиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Кандим конлари лойиҳаси иштирокчилари - “Лукойл Ўзбекистон” ва “Ўзбекнефтгаз” 2014 йилнинг 30-августига қадар Бухоро вилоятидаги Кандим худудида Қувачи ва Олат газ конларини ҳамда Шоди участкасини шимолий қисмида Денгизқўл газ конини ишга туширишлари режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган 2011 йил учун мамлакатимизни Инвестиция дастурини, чет эл инвестициялари ва кредитлар қисмини амалга оширилиши натижалари таҳлилига кўра, нефтгаз саноати тармоқларида янги юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни барпо этишга қаратилган йирик ва стратегик муҳим инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди. 2011 йил мобайнида ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ушбу лойиҳаларни ўз вақтида рўёбга чиқарилиб бориши юзасидан доимий давлат мониторинги амалга оширилди. Натижада, ўтган 2011 йилда ўзлаштирилган чет эл инвестицияларининг асосий қисми яъни 66,1 фоизи нефтгаз саноатини ҳиссасига тўғри келди.

2012 йил 10-январда давлатимиз Президенти Ислоом Каримов Тошкентда Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэни қабул қилди ва мазкур ташриф чоғида икки мамлакат раҳбарлари “Сургил” кони негизида ўз кўлами ва жалб этилаётган янги технологиялар бўйича мислсиз бўлган, қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларига тенг Усторт газ-кимё мажмуи қурилиши лойиҳасини амалга оширишга старт бердилар.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бунда инвестициялар миқдори 3,3 миллиард доллардан кўпроқни, шу жумладан, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари 2,3 миллиард долларни ташкил этади. Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этиб ўтганидек, бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истикболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, минтақавий ва халқаро энергетика тизимининг нефт-газ тармоғида Ўзбекистон муҳим ўринни эгаллайди.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот – тараққиётимиз асоси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзланган нутқ. 1993 йил 22 декабрь. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Жўраев А. Инвестиция фаолиятини рағбатлантириш. – Жамият ва бошқарув журнали. 2011, 4-сон.